O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI JIZZAX VILOYATI BAXMAL TUMANI HOKIMINING QARORI

IND:131000 *O’smat sh. Mustaqillik ko’chasi 42-uy.*

2022 - yil 13 - may 191-3-44-Q/22 Baxmal tumani hokimligi

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг Бахмал тумани маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

“Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 19 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 195-сонли ва вилоят хокимининг 2022 йил 30 апрелдаги №226-3-0-Q/22-сонли қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 5-, 6- ва 25-моддаларига мувофиқ

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 19 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 195-сонли ва Жиззах вилоят хокимининг 2022 йил 30 апрелдаги №226-3-0-Q/22-сонли қарорлари маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Мазкур қарор билан:

Агентликнинг мақоми, вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, жавобгарлиги, фаолиятини ташкил этиш, шунингдек, Агентлик раҳбарларининг функционал вазифалари ҳамда фаолият юритиш тартибини назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Марказ фаолиятини ташкил этиш, асосий вазифа ва функциялари, ҳуқуқ ва жавобгарлигини белгилашни назарда тутувчи Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни

ривожлантириш маркази тўғрисидаги намунавий низом 2-иловага мувофиқ;

ҳоким ёрдамчиларининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишларини назарда тутувчи Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимининг ёрдамчиси фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги намунавий низом 3-иловага мувофиқ;

Жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилашни назарда тутувчи Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ;

“Онлайн маҳалла” электрон платформасига маълумотлар базаси интеграция қилинадиган ҳамда ушбу интеграциялашган тизимдан реал вақт режимида (онлайн) фойдалана оладиган давлат органлари ва ташкилотларининг рўйхати 5-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 19 апрелдаги 195-сонли қарорининг 2- ва 3-иловаларига мувофиқ Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш маркази ҳамда Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман ҳокимининг ёрдамчиси тўғрисидаги намунавий низомни 1- ва 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш маркази Бахмал тумани Мустақиллик кўчаси кўчаси 42-уй манзилидаги Бахмал тумани ҳокимлиги биносига текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

5. Бахмал тумани молия бўлими бошлиғи (И.Кенжаев) Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш марказининг моддий-техника базасига маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан лимит ажратилишини таъминласин.

6. Ҳоким ёрдамчиларига кредит, субсидия, грант ва моддий ёрдам турлари бўйича келиб тушаётган ҳар бир мурожаатни чуқур ўрганган ҳолда, уч иш кунида мурожаат муаллифига ва тегишли ташкилотга белгиланган тартибда ижобий тавсия ёки рад этиш тўғрисида хулосани юбориш вазифаси топширилсин.

7. Туман Бандликка кўмаклашиш маркази (А.Имомов) ва туман Агробанк (Ф.Алишев), туман Халқ банки (Б.Равшанов)ларга тегишли туман ташкилотлари билан биргаликда ҳоким ёрдамчилари томонидан бериладиган тавсияларни белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқиш ҳамда тавсияларни қаноатлантириш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш юклатилсин. Бунда, рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, рад этишнинг сабаблари аниқ ва батафсил баён этилган ҳолда ҳоким ёрдамчиларига хулоса юборилади.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Н.Шарипов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими **М.Анарбаев**